

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ!



Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Дунё миқёсида рўй берган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқирозлар, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар юзага келган мураккаб бир вазиятда мард, танти ва олижаноб халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни дунёга танитиш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Бу ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани, ҳамюртларимизнинг онг-тафаккури, дунёқараши ўзгариб, ислохотлар самарасини кундалик ҳаётида ҳис қилиб яшаётгани Президентимиз имзолаган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарорда ҳам алоҳида таъкидланган.

Ўтган давр мобайнида халқимиз ўз тақдирининг ҳақиқий эгасига айланиб ва қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечирши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятига эга бўлди. Ўз навбатида, ҳар бир одам иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоеён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун мустақкам замин яратилди. Қўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик сингари олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини ва келажигига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин эгаллади.

Энг муҳими, Истиқлол шарофати ўлароқ, биз ўзлимизни англадик, озод халқ ва мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш эта бошладик. Эндилдиқда халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати ила Ватанимиз шон-шухрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Хуррият берган беқиёс имкониятлар негизда эртанги кунимизни – эркин ва фаровон келажигимизни ўз қўлимиз билан сидқидилдан бунёд этмоқдамиз.

Албатта, «мустақиллик» ва «ислохот» сўзларига муштарак тушунчалар сифатида қарашимиз табиий. Чунки фақат мустақил давлат ва эркин жамиятдагина ислохотларни самарали амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислохотлар ҳам инсоннинг яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун шарт-шароит яратди.

Юртимизда мустақиллик йиллари изчил давом эттирилган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустақкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити янада яхшиланиб, қонун устуворлиги, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорига конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатларда ривожлантириш учун мутлақо янги стратегия

гик ёндашув ва тамойилларни амалиётга татиқ қилишни тақозо этмоқда.

Иқтисодийнинг очиқлигини ва рақобатбардорлигини ошириш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш, макроиқтисодий барқарорликни мустақкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификациялаш, молия-банк соҳасини тубдан ислох қилиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоялаш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, туризмни такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш зарур.

Мамлакатимизда Мустақиллик байрамига бағишланган маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар юзасидан фикр алмашишлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилиб, улар аниқ режа асосида фаолият олиб боришлари йўлга қўйилди.

Жойларда қўлуғ айёми юқори савияда нишонлаш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- сўнги йилларда мамлакатда амалга оширилган туб демократик ислохотлар, халқнинг ҳаёти, қалби ва онгида оз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш;
- мамлакатда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш;
- бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;
- аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларнинг ижобий натижаларини кўрсатиш;

– байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

Айнан миллий мустақиллик жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини куриш, жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар ўтказиш учун мустақкам замин ҳозирлаш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг август ойи бошқа жабҳалар қатори спорт йўналишида ҳам ёрқин из қолдирмоқда. Негаки, 180 нафарга яқин ўсмирларимиз Владивостокдаги «Осиё болалари» ўйинларида, «ақл гимнастикачи»ларимиз Ҳиндистонда бўлган 44-шаҳмат олимпиадасида, дзюдочиларимиз Қозғистондаги қитъа чемпионатида, таэквондочиларимиз Болгарияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида, матонат соҳиблари Канадада пара каноз бўйича жаҳон биринчилигида, бошқа вакилларимиз АҚШ, Россия, Туркиядаги от спорти

ва профессионал бокс мусобақаларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Ўтган ҳафтадаги нуфузли халқаро беллашувларда спортчиларимиз 100 тага яқин олтин, кумуш ва бронза медаллар соҳибига айландилар. Бу ғалабаларнинг туб негизиде барчамиз учун энг азиз, энг улуғ неъмат – Ватанимиз мустақиллиги мужассам. Зеро, Истиқлол пойдеворини мустақкамлаш, янги марраларни забт этиш борасидаги ислохотлар турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизнинг асосий манбаи саналади.

Маълумки, турли байрамлар ва қўлуғ саналар арафасида халқимизга хос саховатпешалик, ижтимоий ҳимояга муҳтож, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сингари инсоний фазилатлар яққол намоеён бўлмоқда. Мустақилликнинг ўттиз бир йиллиги тантаналарига тайёргарлик доирасидаги савобли ва хайрли тадбирлар ҳам бундан мустасно эмас. Қўлуғ айём шуқуҳи маҳаллардаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳамюртларимиз қалбига ҳам шоду хуррамлик бағишлаши ўз-ўзидан.

Байрам муносабати билан Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси тармоғига қарашли «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ, «Аммофос-Максам», «Деҳқон-обод калий заводи», «Фаргонаазот», «Навоийазот», «Максам-Чирчик» акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарда «Заковат» интеллектуал ўйинлари уюштирилмоқда. Ишчи-ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида спорт мусобақалари, шунингдек, китобхон танловлари, тарғибот тадбирлари ўтказилиб, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саёҳатларга олиб борилмоқда.

Мустақиллик – энг буюк неъмат! Модомики, шундай экан, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиш ва яшаш бизнинг олий мақсадимиздир!

Фаргона вилояти | Тадбир

Мустақиллик байрами шуқуҳига йўғирилган шу кунларда «Фаргона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси ташаббуси билан вилоят марказидаги «Файз» маросимлар мажмуасида ишчи-ходимлар фарзандларидан 38 нафарининг суннат тўйи ўтказилди.



«ФАЙЗ»даги файзли оқшом

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари А.Салиховлар ҳам қатнашиб, юртимизда эҳтиётжанд оилаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий рўйхатлардаги фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хусусида сўз юритдилар.

Сўнгра тўй болаларнинг ҳар бирига ташкилотчилар томонидан кийим-кечак, велосипед ва бошқа эсдалик совғалари, 1 миллион сўмдан пул маблағлари топширилди.

Санъаткорларнинг чиқишлари даврага ўзгача файз, болалар ва уларнинг ота-оналари қалбига олам-олам завқ бағишлади. Айниқса, беғубор болаликни мадҳ этувчи шўшиқлар ва жозибали рақслар иштирокчилар томонидан олқишлар билан кутиб олишди.

Тадбир ниҳоясида унда иштирок этган нуронийлар эл-юртга тинчлик-хотиржамлик, халқимизга фаровонлик, оилаларга бахт-саодат тилаб, дуо қилдилар.

Шоҳсўлтон ТЎХТАМАТОВ

Хоразм вилояти | Ташаббус

ҚИШЛОҚ АҲЛИ ҲАМ МИННАТДОР

Касаба уюшмалари томонидан аъзоларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу кунларда Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» широри остида ташкил қилинаётган тадбирлар минг-минглаб одамларга қувонч бахш этмоқда.



Яқинда АСМ ходимлари касаба уюшмалари томонидан Хонқа тумани «Еш куч» маҳалласидаги 31 нафар болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

Тўйболаларнинг кўпчилиги шу ҳудуддаги фермер ҳўжалик-лари ишчиларининг фарзандлари, – дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев. – Ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган ушбу тўйдан бутун қишлоқ аҳли миннатдор бўлди.

«Орзу» тўйхонасида кечган тантанادا касаба уюшмалари томонидан тўйболаларга машина, велосипед ва кийим-кечаклар совға қилинди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА «ISHONCH»

Тошкент вилояти | Ички туризм

ТАШКИЛОТЧИЛАРГА КАТТА РАҲМАТ!

Фаоллар Хоразмда саёҳатда бўлдилар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши ўтказилган турли кўрик-танлов, мусобақалар ғолиблари, меҳнат фахрийлари, касаба уюшма фаолларидан 70 нафарининг Хива ва Урганч шаҳарларига саёҳатини уюштирди.

– Ушбу саёҳат бир умр ёдда қоладиган бўлди, – дейди «Ангрен шакар» МЧЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Йўлдошев. – Кўплаб тарихий қадимжоларни зиёрат қилдик. Хоразмнинг диққатга сазовор жойларида бўлдик. Бир олам таассуротлар билан ортга қайттигимиз. Ташкилотчиларга катта раҳмат!



Собиржон МУСАЕВ,
касаба уюшма фахрийси



Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг бахти-у камолига бутун жамият равнақининг гарови сифатида қаралади. Шу сабаб ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор шахсларга давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эмин-эркин муҳит яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЖАМИЯТДА барчаниннг ўз ўрни бор

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг шу масала бўйича муҳим қарор ва фармонлари қабул қилингани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни умидсизлик ҳамда ишонсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётга интилишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 17 февралдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда

Эътибор

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига қўра, нафақалар миқдори оширилди.

Шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парварши билан банд бўлган боланин қонуний вақилига ҳар ойда нафақа тўлови (парвартишлаш нафақаси) жорий этилди.

2022 йил 1 апрелдан ўзгалар парваршига муҳтож болалар тўғрисидаги, 2022 йил 1 октябрдан ўзгалар парваршига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон тақдим этиб бориладиган бўлди. Шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхати тасдиқланди.

Инсон иродаси, аввало, унинг ҳаёти давомида бажараётган иши, касби-корида акс этади. Орамизда шундай инсонлар борки, улар имконияти чекланганга қарамадан жамият равнақига ўз улушини қўшишга интилади, қўшади ҳам. Уларнинг бу жараёндаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш эса барчамизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Насиба АМИРЖОНОВА,
104-сонли Учтепа туманлараро тиббий-меҳнат эксперт комиссияси раиси



Пойтахтимизда «Маънавият фестивали» доирасида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» эзгу ғоя асосида «Учинчи ренессанс – маърифатли жамият сари!» деб номланган республика конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 130 нафардан зиёд «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари, профессор-ўқитувчилар, мутасадди вазирилик-идоралар вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар биринчи маърифий уйғониш даврида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари ва мутафаккирларнинг илмий-ижодий кашфиётлари,

умумбашарият тараққиётига қўшган ҳиссаси, Иккинчи Шарқ Уйғониш даври – Теурийлар Ренессансида маънавий-маърифий сиёсат натижасида бунёд этилган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтидилар. Сўнгра бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан ва маданиятни ривожлантириш учун яратилган имкониётлар ҳамда демократик ўзгаришлар, жумладан, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида амалга оширилган ишларни муҳокама қилдилар.


– Илм-фан соҳасида эришаётган ютуқларимизни, халқимизнинг бой илмий-маданий меросини, миллий кадриятлар ва анъаналарни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш йўлида тизимли ишлар олиб борилаётгани, деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси, сенатор Ҳаётхон Ортиқбоева. – Халқни ва мамлакатни улуғловчи, унинг янги даврини тарих зарварақларига муҳрловчи кадрият ўша халқнинг маънавияти ва маърифатидир. Бугун бу кадрият тинчлик-тотувликда, аҳиллик ва бирдамликда, иқтисодий барқарорлик ва

барча масаларда ҳолис ёндашувда таълим ва тарбияда яққол намоён бўлмоқда. Демак, Учинчи Ренессанс Ўзбек халқининг буюк маънавияти ва маърифатида, дея баралла айта оламиз. Анжуманда юздан ортиқ мақолалар ўрин олган «Учинчи Ренессанс – маърифатли жамият сари!» тўплами тақдироти, шунингдек, «Янги Ўзбекистон» мавзусидаги мақолалар танлови ўқибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Анжуман

Маърифатли жамият сари



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

З. Рихсиев
Мусаҳҳилар:
Д. Худойберганаева,
Д. Равшанова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 00:40
Топшириш вақти – 00:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Бюропта Г-806 31553 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилими:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-ўй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130



Самарқанд вилояти

Спартакиада




ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ

«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари ўртасида саломатлик спартакиадасининг вилоят босқичини ўтказди.

Иштирокчилар стритбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон турлари бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда ғолиблик учун астойдил кураш олиб бордилар. Стритбол ва волейболда маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмалари ходимлари жамоалари 1-ўринни кўлга киритди. Стол тенниси ва бадминтонда ҳам ушбу тармоқ ходимлари пешқадамликни кўндал беришмади.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Нурилло ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ТУШЛИККА ФУРСАТ ЙҮҚ

Долзарб мавзу

Умумтаълим мактабларининг аксарият ўқитувчилари меъёрида тушлик қила олишмайди. Сабаб дарслар кетма-кетлиги ва катта танаффус вақтининг ўта қисқалиги, атиги 15 дақиқалик. Куннинг биринчи ярмида дарс ўтган педагог бироз дам олиб, овқатланиб, иккинчи навбат дарсларига кирмаса, аудиторияни жамлаб олиш учун ўзида куч тополмай қолади.

МАВЗУГА ДОИР МИСОЛ

Қўшим ўқитувчи. Олдин умумтаълим мактабида дарс беради. Кейин хусусий мактабга ишга ўтиб кетди. Сабаби айни ўша масала – меъёридаги тушлик ва етарли дам олмаслик. Бугун у ишидан мамнунлиги, дарс соатлари илгаригидан бир неча соат кўп бўлишига қарамай, чарчоқ билмай ишлаётганини таъкидлайди.

– Ўқитувчи учун иш жараёни асосан соат 8:00 да бошланади, – дея батафсил тушунтиради у. – У одатда тушликка қадар ҳар 5 дақиқалик оралик билан синфдан-синфга киради. Умумтаълим мактабида дарсларимиз эрталабки сменанинг охириги соатлари ва иккинчи смена учун биринчи соатларга тўғри келса, тушликка икки бурда луқма ейишга улғуришимиз ҳам муаммо бўларди, тинкамик қуриб қоларди. Нодавлат таълим муассасасида тушликка 30 дақиқа вақт ажратилган ва мактаб ҳисобидан овқатланиш ташкил этилган. Мана шу фурсат биз учун тўрт-беш соатлик чарчогимизни енагидан ва куннинг иккинчи ярмида ўқувчиларга сабоқ бериш – ақлий меҳнат қилиш учун қувватга эга бўлишимиз манбаидир.

МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ

Аслида инсон қайси касба фаолият юритмасин, тушликнинг вақтида истеъмол қилиниши қанчалик муҳим ва таомномада қандай маҳсулотлар бўлиши керак? Бу борада мутахассис тавсиясига қўлоқ тутдик.

– Тушликнинг тўйимли бўлиши, углеводларга бой бўлиши, ҳатто, парҳездаги инсонлар учун ҳам керак, чунки бундай маҳсулотлар кишига куч-қувват беради, – дейди Тошкент шаҳридаги 30-оилавий поликлиника амалиёт шифокори Дилноза Ашурова. – Кун тартибидеги ушбу пайтда тўйимли овқат организмдаги толиқиш ва тонусни яхшилаيدди. Бу, айниқса, ақлий меҳнат билан банд бўлган кишиларга тааллуқлидир. Тушликнинг соат 12:00 дан 15:30 га қадар бўлган вақт оралиғида ейишга ҳаракат қилиш лозим, боси айнан мана шу пайт организмда ҳазм қилиш жараёни яхшилайдиган ферментлар фаол бўлади. Тушлик қилмаслик ёки енгил тановул, шомашошарлик билан овқатланиш ҳазм қилиш жараёнини издан чиқаради ва хасталикларга олиб келиши мумкин. Шу сабаб тушлик вақтини ўтказиб юбормаслик керак. Вақт бўлмаса, жилла қурса ёнғоқ, мева ёки сабзавотлар олиб юриш керак.

ТАЖРИБА

Олмазор туманидаги 224-умумтаълим мактабидаги тажриба айнан мутахассис-шифокорнинг маслаҳатларига мос келади.

2017 йилдан буён давом этаётган ушбу намунали ташаббус шўки, муассасида мактаб ходимлари учун ўз вақтида бепул овқатланиш шарт-шароити яратилган. Яъни ошхонанинг махсус жойида фан ўқитувчилари, умуман муассаса ходимлари учун ҳомийлар кўмагида бепул тушлик жорий этилган.

Мактаб директори ўринбосари Акбар Ёрбозоровнинг айтишича, авваллари айрим ҳолатларда ўқитувчининг пули озроқ бўлса, кам калорияли тушлик унинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиш мумкин эди. Базьида уйдан овқат олиб келган ўқитувчи мактабдаги умумий ошхонада ўтириб овқатини еётганда болалар олдида ўзини ноқулай ҳис қиларди. Иккинчидан, агар у ўзи билан бирга овқат олиб келадиган бўлса, ошхонадаги бир чеккада ёки хонасида қандайдир сабаб қийин шароитда овқатланишига тўғри келарди. Мактабда бепул тушлик жорий этилгач, бундай хижолатомуз вазиятларга барҳам берилди. Жамоада аҳиллик кучайиб, ўқитувчилар фаол дарс ўта бошлашди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Юртимиздаги нодавлат таълим муассасаларида ўқитувчи учун яратилган шароит кўпроқ хориж, жумладан, Грузия, Германия ва Канада таълим масканларидаги кун тартибини тузиш тажрибасига таянган.

Масалан, Германияда оддий иш кўри 8 соатни ташкил этади, бу муайян шароитларда 10 соатгача узайтирилиши мумкин. Агар иш кўри 6 соатдан 9 соатгача бўлса, ходим камида 30 дақиқа тушлик танаффус қилиш ҳўқуқига эга. Бу танаффус айнан таълим ходимларига тегишлидир. Бошқа соҳа вакилларига иш вақти учун минимал танаффус 45 дақиқа. Ўқитувчи ўз истагидан келиб чиқиб танаффусни бир неча қисмларга бўлиши мумкин, ҳар бири камида 15 дақиқа бўлиши керак. Ходим узлуқсиз 6 соатдан ортиқ ишламайди. Иш туғандан сўнг, ходим ишдан камида 11 соат бўш вақтга эга бўлиши керак. Россияда эса Меҳнат кодексининг 108-моддасида ҳар бир ходимга, хусусан, халқ таълими ходимларига эмин-эркин дам олиш ва овқатланиш имконияти кафолатланган. Бунинг учун раҳбарият томонидан 30 дақиқадан кам бўлмаган, лекин 2 соатдан кўп бўлмаган вақт ажратилиши мумкин. Бошқа мактабларда эса ушбу чегаралар доирасидаги бундай танаффус қанча давом этиши муассасада қабул қилинган ички меҳнат қоидаларига боғлиқ. Ушбу танаффус иш вақтига киритилмайди.

ХУЛОСА

Ҳар бир муассасадаги қоидалар, тартиблар ва ташаббуслар, авваломбор, меҳнат қилаётган инсоннинг қадрини белгилаб беради. Халқчил сўзлаганда, соғлиқ бойлиқдан афзалроқдир. Бу бойлиқни асраш учун тановул қилаётган таомнинг сифати ва вақти-соати катта аҳамият касб этади.

Демак, фарзандларимизнинг билимли бўлиши, эртанги тақдирини ишониб топширигимиз – ўқитувчилар кун тартибидеги ҳам бу қоидалар ишласа, яъни дарс жадалли тузилаётганда тушлик учун муайян вақт қатъий белгиланса, нур устига нур бўларди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
журналист

Луқма

«Бизда ҳам план бор»

йўналишли таксилар меъёридан ортиқ йўловчи олиши қанчалик тўғри?

Қадрдон дугонаникига боришим керак. «Марказий универмаг» бекатида турибман. Биланки, бу ердан энг қулай транспорт – 67-йўналишли такси. Қўл кўтариб, тўхтадим. Ичкарига қарасам, ҳамма ўриндиқлар банд. Ҳатто бир киши тик туриб кетяпти.

– Тез-тез чиқиб, ўтириб олинглар, – деди ҳайдовчи бекатқатлаиб.

– Умуман жой йўқ-ку, қаерга ўтирамиз, – деди тик турган йўловчи.

– Ана, иккиталик жойга уч кишилашиб ўтиринглар. Ёки... ўриндиқ тагида иккита стулча бор.

Ҳайдовчи иккиланаётганимизни сезиб, гапни қисқа қилди: агар хоҳламансиз, бизни йўлдан қолдирмай, эшикни ёпинг!

Начора, салонга чиқдик. Мен қўшимча йўловчилар учун атай ясалган «юмшоққина» қўлбола стулчалардан бирига чўқдим. Жўнадик. Аммо ҳайдовчига эътирозлар ёғилди:

– Нега машинага белгиланганидан

кўп йўловчи чиқаряпсиз? Бу мумкин эмас-ку!

– Иссиқда ўзи салон ичи димиқиб, нафас олишга қийналяпмиз. Кексалар бор, соғлиғи ночор кишилар бўлиши мумкин. Иссиқ ҳаво уларга салбий таъсир кўрсатса бунга ким жавоб беради?

... К е й и н билсам, «Тошкент» вокзали – Ч и л о н з о р буюм бозори» йўналиши бўйича қатнайдиган ушбу жамоат транспортда аҳвол ҳар доим шундай экан.

– Мен ҳеч кимни маршрутга чиқишга мажбурлаётганим йўқ, – деди ҳайдовчи қўлини паҳса қилиб. – Бизда ҳам отнинг калласидай план бор. Шунинг учун имкон қадар кўпроқ миқдорда хизмат кўрсатишга ҳаракат қилапман.

Таажуб, кунлик тушум пули миқдорининг катталигига йўловчиларнинг

қандай дахли бор? Аслида айбдор ким – ҳайдовчимиз ёки режани юқори қилиб белгиланганларимиз?

Яна бир ғалати ҳолат. Енгил машинада қонунан белгиланганидан атиги биттагина ортиқ одам ўтириб кетаётган бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи ходимлар автоуловни дарҳол тўхтатиб, тегишли чора кўришади. Лекин йўловчилар тирбанд йўналишли таксиларга ёки автобусларга кўпинча эътибор беришмайди, гоҳида юзага келган ҳолатни кўра-била туриб ҳам ўзларини ҳеч нарсани кўрмаганга олишади. Ҳолбуки, транспорт соҳасига тааллуқли қонунлар ва тартиб-қоидалар ҳамма учун баробар бўлиши керак эмасми?

Демак, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш жараёнида зинҳор-базинҳор эътиборсизлик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, кўза кунда эмас, кунда синишини унутмаслик, инсон тақдири билан ҳазиллашмаслик, қандай бўлмасин, ноҳуш воқеалар рўй беришининг олдини олиш керак. Кунлик режанинг катталигини рўқач қилиб, йўловчиларга ноқулайлик туғдириш эса инсофдан эмас.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

